



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2007-yil • 29-noyabr • Payshanba • 145 (27.790) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддасидан.)

Фракция йиғилиши

«Ноширлик фаолияти тўғрисидаги Қонун 1996 йили қабул қилинган ва 2002 йили тўлдирилган эди. Унинг қўлланиш тажрибаси ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Наширётларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш масалаларида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқий мувофиқлаштириш нуктаи назардан муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати тугилди...

Армия билан хайрлашди

Покистон президенти Первез Мушарраф армия бош қўмондонини вазири билан хайрлашув маросимини ўтказди.

«Сув парилари» яна Тошкентда

Синхрон сузиш бўйича йилдан йилга нуфузи ортиб бораётган аънавий «Сув парилари» халқаро турнири ҳам бундан саккиз йил муқаддам ташкил этилганди.



Тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да 28 ноябрь куни очилган «Россия — Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик» мавзuidaги кўргазма шу йўлда муҳим қадам бўлди

Россия миллий кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ҳамда икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари — Ислон Каримов ва Владимир Путин томони

дан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Россиянинг турли соҳаларда фаолият юритувчи компания ва корхоналари юртимизда ўтказиладиган кўплаб кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Россия миллий кўргазмасини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар ва фан-таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустақамлаш ҳамда Ўзбекистон-Рос-

сия ишбилармонлари ҳамкорлигининг янги имкониятларини ишга солишдан иборатдир. Россия Федерацияси ҳуқуқати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов мазкур кўргазма Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий муносабатларининг келгусида янада раванқ топишига ҳамда икки томонлама ҳамкорлигининг янги қирраларини кашф этишга хизмат қилишини қайд этди.

Сайловчилар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов нутқ сўзлади. У Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳар жиҳатдан юксалгани, одамларнинг турмуш даражаси, фикрлаши, дунёқараши ўзгарганини эътироф этди. Юртимизда ўзига хос сайлов тизими шаклланиши, кўппартиявийлик қарор топиб, ривожланиб бораётгани, кўппартиявийлик асосида ўтаётган ушбу сайлов ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдон-



23 ДЕКАБРЬ —
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайловчилар билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Аслиддин Рустамов 28 ноябрь куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган тадбири Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси Солижон Қудратов олиб борди. Дастлаб номзоднинг ишончли вакили Ҳакимжон Алиқулов Президентликка номзоднинг тархимаи ҳоли билан таништирди. Номзоднинг дастуридан ўрин олган асосий устувор йўналишлар Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустақамлаш, Ватан раванқи, юрт тинчлиги, мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, миллий манфаатларимизга хизмат қилиш каби қоидалардан келиб чиққан таъкидланди. Дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясига электорати манфаатларига қаратилган устуворликларга таянганини алоҳида қайд этди.

Сайловчилар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов нутқ сўзлади. У Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳар жиҳатдан юксалгани, одамларнинг турмуш даражаси, фикрлаши, дунёқараши ўзгарганини эътироф этди. Юртимизда ўзига хос сайлов тизими шаклланиши, кўппартиявийлик қарор топиб, ривожланиб бораётгани, кўппартиявийлик асосида ўтаётган ушбу сайлов ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдон-

даги обрўсини янада оширишга, юртимизда демократик қадриятларнинг мустақам илдиз отишига, мамлакат тараққиётига, халқимизнинг бирдамлигига хизмат қилишини айтиб ўтди. Ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳимояга муҳтож, кам таъминланган қатлами ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш бозор иқтисодиётга ўтиш шароитининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда яшаётган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож ҳар бир фуқаро давлатнинг ғамхўрлиги ва ён-атрофдагиларнинг меҳр-муруватини доимо ҳис қилиб яшashi керак. Уй-ҳой, коммунал хизматлар соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, энг аввало шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий инфратузилма, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этапти. Аҳолини уй-ҳой, коммунал ва маиший хизматлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий талаблар билан тўғри мос келиши аҳоли турмуш маданиятини янада кўтартиришга хизмат қилади. Юртимизда бундай натижаларга эришишнинг шарт-шароитлари мавжуд.

Кучли давлатдан кучли жамият сари илдам борар эканмиз, бу жараёнда давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бо-

Беход ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



2-бет

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.



Истиқлол имкониятлари Ораста шаҳарнинг равон йўллари

Ёки пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан бир лавҳа


Шарқ дарвозаси дея таърифланган Тошкент мустақиллик даврига келибгина чин маънода пойтахт, деса дегулик қиёфага эга бўлди. Айниқса, кейинги беш-ўн йил орасида шаҳар ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланди. Осмонлар бинолар, хибонлар, санъат ва спорт қошалари барпо этилди. Бир замонлар қурилиб, кейинчалик унутилган кўпгина ноёб тарихий

меъморчилик обидалари, макбаралар бугунлай қайта таъмирланди. Буларнинг барчаси пойтахтимиз тобора обод ва кўркем бўлиб, дунёдаги энг йирик ва ривожланган шаҳарлар билан бўйлашиб даражасига етаётганидан далолатдир. Чоғи, азим шаҳримизнинг доғруғи ва нуфузини кўрсатувчи омиллар ҳақида кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш

мумкин. Айни шу нуктаи назардан ҳам бугун истиқлол йилларида бутунлай янги шакл-шамойилда намой бўлган Тошкент йўллари алоҳида ҳикоя қилишга муносиб деб ўйлаймиз. Шаҳарга олиб кирувчи ва чиқувчи йўллارни бир кузатинг. Равон ва текислигидан беихтиёр завқланиб кетасиз. Айниқса катта ва серқатнов кўчаларни

бир-бирига боғлайдиган кўприкларни айтмайсизми. Кенгайтирилган замонавий Марказий йўллар... ва улар туташган катта ҳамда кичик халқа йўллари... Ҳеч муволазасиз айтиш мумкин, бу йўллар энг ривожланган мамлакатлар йўлларидаги сира қолишмайди.

2-бет



Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бошланди

Ташаббускор ёшларга қанот

2005 йилдан буён ўтказилаётган ушбу танловнинг асосий мақсади мамлакатимизда янги етаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукамал тарбиялаш, истеъдод соҳиблари бўлган ёшларни кашф этиш, ўз имкониятларига бўлган ишончини шакллантириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда иқоид ва билим чўққуларини эгаллашда қўмақлашишдан иборат. Танлов 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшларни қамраб олган бўлиб, истеъдодли ўқувчилар етти йўналишда ўз билим ва маҳорати, иқтидорини намойиш этмоқда.



(Давоми 4-бетда)

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгаши туман Уйгур миллий маданият маркази билан ҳамкорликда Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мураккаб тараққиёт йўли» номи маърузасини ўрганиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Унда мамлакатимиздаги тинч-тотувлик, Ўзбекистон Конституциясида белгиланган барча миллат ва элларнинг тенг ҳуқуқлиги амалда таъминланаётгани таъкидлаб ўтилди. «Ихтимоий ҳимоя йили» дастурининг моҳияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ЎзХДП фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирлар, партия дастурий устуворликлари аҳоли кам таъминланган қатламни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳақида туман партия кенгаши раиси М.Мирзаахмедов сўзлаб берди.

Юнусобод туманидаги Ўзбекистон ХДП кўпгина бошланғич ташкилотларида партия ташкил топганига 16 йил тўлиши муносабати билан тадбирлар бўлиб ўтди. Шуниси эътиборга

лоийки, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай йиғилишда маҳалладаги фуқаролардан 21 киши партия аъзоллигига қабул қилинди.

Шунингдек, партия кенгаши туман маънавият тарғибот маркази билан биргаликда «КамАЗ» марказида «Сийёсий партияларнинг сайловлар ўтказишдаги ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова маъруза қилди ва партиянинг Президент сайловида иштироки, сайловолди ташкилий, оммавий-сийёсий ишлар ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон ХДПнинг ташкил топганига 16 йил тўлиши муносабати билан «Ўзтемирўлмас» заводи ва Темирўлчилар маданият саройларида бўлиб ўтган йиғилишларда **ЎзХДП Миробод туман кенгаши** раиси Раиса Кушева партия сафарига қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномаларини топширди.

Баҳодир ВАХОБОВ

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳа юзасидан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Олим Ҳасанов сўзга чиқди.

Айтиш керакки, қонун лойиҳасида аҳолининг матбаа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўла қондириш, сўнги йилларда матбуот ва ахборот соҳасида юз берган тўб ўзгаришлар, наشريётларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш жараёнларида юзага келадиган муносабатларни мувофиқлаштириш масалалари инобатга олинган.

«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 1996 йили қабул қилинган ва 2002 йили тўлдирилган эди. Унинг қўлланиш тажрибаси ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда қатор камчиликлар мавжудлиги, Қонунда наشريётларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш масалаларида вуждга келадиган масалаларни ҳал этиш,

ҳуқуқий мувофиқлаштириш нукта назардан муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини кўрсатди.

Депутатлар иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Бу ҳақда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдул Тўхташев тушунтириш берди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш ва суд бўйруғи тартибиде иш юритиш доирасини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ҳужжат суд бўйруғини чиқариш бўйича яна қўшимча иккита талабни жорий этишни назарда tutади.

Йиғилишда иккинчи ўқишда киритилаётган «Жарима тарихидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳа содир этилган жино-

ят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва жарима тарихидаги жазони мажбурий ижро этишнинг процессуал ҳуқуқий механизмни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Адам Шодмонов тушунтириш берди.

Мазкур лойиҳада ноғиронларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилма объектларини ноғиронлар эҳтиёжларига мослаштиришда мутасадди ташкилотларнинг маъсулиятини, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтиришга эътибор қаратилган.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз).

Тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазмада Россиянинг Пенза, Самара, Тюмень, Ульяновск, Свердловск, Омск, Ярослав, Волгоград, Томск, Челябинск, Саратов, Ленинград, Новосибирск, Нижегород, Оренбург каби вилоятлари ҳамда Олтой ўлкаси ва Чуваш Республикасида фаолият юритувчи, жумладан, «ИНТЕРРАО ЕЭЭ», «Ульяновск автомобиль заводи», «Челябинск трактор заводи» — УРАЛТРАК, «Уралвагонзавод», «Госметр», «Ангар», «Абсолютцемент», «Лепсе», «Корунд» каби икки юзга яқин компания ва корхона ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Кўргазмада Пенза вилоятининг машинасозлик, қимё, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат каби иқтисодийнинг қарийб барча тармоқларида фаолият кўрсатувчи корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан катнашмоқдалар, — деди Пенза вилояти ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Иван Купцов. — Анқуманда иштирок этишдан мақсадимиз мамлакатингиздаги шериклар билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Тадбир доирасида бу ердаги корхоналар билан муайян битимлар имзолани режалаштирганмиз. Ўзбекистон вилоятлари билан ҳамкорлигимиз келгусида янада мураккабланишига ишонамиз.

Кўргазмада Россия корхоналарида ишлаб чиқарилган оғир юк ташувчи ва енгил автомобиллар, трактор ва комбайнлар, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, нефть-газ, мебель ва мебель фурнитураси, қандақлат маҳсулотлари, металлургия, қурилиш материаллари, қимё, қончилик ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган ускуналар, иқтисодийнинг

турли соҳаларида ва уй-рўзгор ишларида қўлланиладиган қурилма ва буюмлар билан танишиш мумкин. Бу ердаги товарлар жуда хилма-хил бўлиб, улар орасида фармацевтика ва микробиология маҳсулотларидан қимёвий тола-газа, машина, трицеплардан қарчон буюмлар ва газ плиталарига ўрашган мумкин.

— Бизнинг корхона ўрмончилик саноати соҳасида фаолият юритади, — деди Тюмень вилоятининг «Карсикко Тюмень» компанияси бош директори Евгений Самородов. — Корхонамиз ёғоч маҳсулотларини қайта ишлашдан тортиб, улар қўришга қўлланган жараёни қамраб олади. Ўзбекистонга ташриф доирасида мамлакатингизнинг иқтисодий

салоҳияти юқори суръат билан ўсётганига амин бўлди. Мазкур кўргазма Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш имконини беради. Юртингиздаги ишбилармонлар билан биргаликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзаро маънавият шартномалар имзолаш ниятдаимиз.

Ўзбекистон — Россия савдо-иқтисодий муносабатларининг янада раванк топишига хизмат қиладиган мазкур кўргазма келгусида аниқана тусини олиб, унинг қатнашчилари сафи янада кенгайверади, дейиш учун тўла асос бор.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири



Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. Рустом ШАГАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо, баъзи одамлар қизикди, қанча вақт, меҳнат қилинган, қанча маблағ сарфланганини ўйламай, мавзелар, маҳаллалар ичидаги йўллар носозлигидан нолишади, ҳаммаси бирдан тайёр бўлишини хошлашади. Ўтган йили шу масала ҳақида Ташкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари билан гаплашганимизда «Йўл қуриш ва таъмирлаш ишларини босқичма-босқич олиб бораёямиз. Ҳозирча Чилонзор, Ч-тепа туманларидаги ички йўлларни таъмирлашни бошладик», дейишган эди. Дарҳақиқат, икки-уч йил бурун маҳаллалар ичидаги йўлларда ёғинли-сочинли кунларда юриш қийин эди. Худди шундай кўчалардан бирини «Катта Дўмбиробод» маҳалласида ҳам кўрган эдик. Яқинда худди шу ердан ўтиб қолсак, ишонасизми-йўқми, илгари кўрган ўйдим-чўкур, гадир-будур йўл ўрнида теп-текис, икки томонида гуллар экилган, дарахтлар тартибга келтирилган кўркам йўл бунёд этилибдики, кўриб дилингиз яйрайди.

Маълумки, Ҳамза туманидаги М.Риёзий мавзесини Сулола, М.Риёзий кўчалари Паркент катта трактига боғлаб туради. Пушкин номидаги метро станцияси билан ушбу мавзе оралиғи нари борса, икки бетак. Аммо илгари биронта қирақаш «Риёзий мавзесининг гарбига...» десангиз боришга рози бўлмасди. Зарурроқ иш чиқиқ қолса, ана шу икки бетакта қирақашлар 1,5-2 минг сўмга ҳам юрмасди. Боси, йўл ўйдим-чўкур, қишда қўлмақ, ёзда чанг-тўзон эди.

— Шу маҳаллада ўн йилдан бери ашайимиз. Ўзим — иккинчи гуруҳ ноғирониман, — дейди Сулола кўчаси 82-уйда яшовчи Иноғомжон ота Абдуллаев. — Поликлиникага ёки у ёқ-бу ёққа борсам, уйга такси ёллашга жуда қийналардим. Ҳатто бир кун ҳайдовчига ялиниб: «Болам, айтаман пулингни ол-да, уйимга элтиб қўй», десам ҳам рози бўлмагани эсимда. Унинг айтишича, қўчимизга бир кийиб чиққан машина камда ўн минг сўмга таъмирланар экан. Шукурки, яқинда қўчимизни ойнадай теп-текис қилиб, асфальтлаб қўйишди...

Тўғри, гоҳида пиёда, гоҳи машина ё бошқа транспорт воситасида юрсак, йўл қадрини, йўлсозлар меҳнатини англагандай бўламиз. Аслида ана шу битта сўз — ЙўЛ ортида қанча жараёнлар борлигини унчалик ўйлаб ўтирмаймиз.

Ҳўш, халқимиз азал-азалдан энг улуг савобли амаллардан бири сифатида эътироф этиб келган йўл қуриш шаҳарда қил тарзда амалга оширилмоқда?

— Жорий йил давомида Ташкент шаҳар ҳокимининг иккита қарори қабул қилинди, дейди, — шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Аъзам Ризашов. — Ҳокимнинг «2007 йилда шаҳар ободонлаштириш ишлари бўйича буткул таъмирлаш рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «2007 йилда қўшимча равишда йўл ва йўлакларни буткул таъмир-

лаш манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлариде пойтхат худудидаги маҳаллалар, кўпқаватли уй-жойларга бириктирилган йўллар ва шаҳар кўчаларидаги ободонлаштириш объектларида тўла таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўрсатилган.

Мазкур қарорлар ижроси пойтхат ахли тафаккурда ҳам тўб бурилиш ясаётгани бор гап. Чунки ҳар қандай эътибор, яратилган шароит одамлар қалбига нур бўлиб қиради. Йўллар текислиги, кенглиги, раволиғи, ёруғлиги ўша

рилди. Аниқроқ айтганда, Учтепа туманида 16 та маҳалла, Бектемирда 8 та, Мирободда 39 та, Мирзо Улугбекда 48 та, Собир Раҳимовда 36 та, Сирғалида 27 та, Ҳамза туманида 35 та, Чилонзорда 40 та, Шайхонтоҳурда 33 та, Юнусободда 32 та, Яққасаройда 17 та маҳаллага фойз кириб борди. Айниқса, мазкур туманлардаги «Богобод», Ҳусайн Бойқаро, Фурқат, «Туркистон», «Фалаба», «Ўзариш», Мирзо Улугбек, Амир Темур, «Катта Дўмбиробод», «Хадра», «Камолон», «Кўшбе-

римиз тажрибаси қандай?» — дея сўраймиз.

— Бизнинг ўзимизга хос тажрибамиз бор, — дейди у. — Керак бўлса, ўша сиз айтган мутахассислар йўл қурувчиларимиз ишини кўриб, тан беришган. Энди ҳар жойнинг ўз иқлими, шароити бор... Лекин ҳеч муболағасиз айтиш жоиз, Ўзбекистонда кейинги йилларда бунёд этилган йўллар муштақкам ва ишончли.

Сўхбат асосида Ш.Шофайзиев асфальт ишлаб чиқариш агрегатлари ишчиларида

тонна юк кўтараоладиган «НОВО» агрегати келтирилди. Яқин кунларда яна тўртта «Фотон» машинаси олиш режалаштирилган.

Ана шу тинимсиз саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун нафақат шаҳарнинг асосий йўллари, балки маҳаллалардаги йўл ва йўлакчалар ҳам ҳавас қилса арзиғулик даражада.

— Эсимда, ўтган асрнинг 70-80-йиллари шаҳримиз йўллари жуда фариб эди. Кичик ёки ички йўллари кўя турарлик, катта йўллар ҳам ха-

Ораста шаҳарнинг равон йўллари

Ёки пойтхатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан бир лавҳа

эл маданиятини ҳам билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йил 9 июлдаги «Ташкент шаҳри аҳолисининг уй-жой коммунал шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 140-сонли қароридан келиб чиқиб, йўлларни тартибга солиш 2007 йилнинг биринчи чорагида маҳаллий бюджет даромади тушуми режасининг ортиғи бўлган қисмидан тўрт миллиард сўм маблағ ажратилди. Азим шаҳар худудидаги йўллар, йўлаклар бир миллион уч юз минг метр квадратни ташкил этади. Шундан 774 минг метр квадратни маҳаллалар ва уй-жойлар оралиғидаги йўлакларидир. Мамнуният билан айтиш керак, бугунги кунда шундан 700 минг метр квадрат жойда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қолган жойларда ҳам ишлар жадал давом этмоқда.

Сўхбатдошимиз уруғ бериб айтган, муҳим ҳужжатлар асосида амалга оширилган юмушлар рўйхатига назар ташлаймиз. Йиллар давомида анча қаровсиз аҳолга келган йўлакларидир. Мамнуният билан айтиш керак, бугунги кунда шундан 700 минг метр квадрат жойда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қолган жойларда ҳам ишлар жадал давом этмоқда.

Асосий пудратчи ташкилотлар — Ташкент шаҳар йўл қурилиш трести ОАЖ ва унинг қаромоғидаги бошқармалар, «Кўйлик асфальт-бетон заводи» маъсулияти чекланган жамияти, «Сифатли йўл қурилиш» очик акциядорлик жамияти, Узавтойўл «Автомагистрал» бошқармаси, «Ташкент автойўл» бошқармалари катта қўламдаги ишларни бажарганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Барча қилинган ишлар смета-лойиҳа ҳўжатлари асосида бажарилган.

Энг қувонарлики, ҳозиргача шаҳардаги 475 та маҳалладан 331 тасида ички йўллар ва йўлаклар тартибга келти-

рилди. Аниқроқ айтганда, Учтепа туманида 16 та маҳалла, Бектемирда 8 та, Мирободда 39 та, Мирзо Улугбекда 48 та, Собир Раҳимовда 36 та, Сирғалида 27 та, Ҳамза туманида 35 та, Чилонзорда 40 та, Шайхонтоҳурда 33 та, Юнусободда 32 та, Яққасаройда 17 та маҳаллага фойз кириб борди. Айниқса, мазкур туманлардаги «Богобод», Ҳусайн Бойқаро, Фурқат, «Туркистон», «Фалаба», «Ўзариш», Мирзо Улугбек, Амир Темур, «Катта Дўмбиробод», «Хадра», «Камолон», «Кўшбе-

римиз тажрибаси қандай?» — дея сўраймиз. — Бизнинг ўзимизга хос тажрибамиз бор, — дейди у. — Керак бўлса, ўша сиз айтган мутахассислар йўл қурувчиларимиз ишини кўриб, тан беришган. Энди ҳар жойнинг ўз иқлими, шароити бор... Лекин ҳеч муболағасиз айтиш жоиз, Ўзбекистонда кейинги йилларда бунёд этилган йўллар муштақкам ва ишончли.

Сўхбат асосида Ш.Шофайзиев асфальт ишлаб чиқариш агрегатлари ишчиларида

тонна юк кўтараоладиган «НОВО» агрегати келтирилди. Яқин кунларда яна тўртта «Фотон» машинаси олиш режалаштирилган.



Д.Нускабаева, Х.Аманов, битум қоршамасини тайёрловчи З.Қурбонов, автомобиль ҳайдовчиларидан Р.Мирхалилов, С.Иминжонов, Н.Қазбаев, асфальт ётқизиш механизаторларидан Д.Қулаҳмедов, Т.Абдурахмонов каби фидойи, ўз касбининг усталарини эътироф этди.

Дарҳақиқат, мутахассислар фикрича, бугун «Кўйлик-асфальт-бетон» заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати чет элликдан ҳеч ҳам қолишмайди. Соатига 80 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган «Тельтомат» (Германия) агрегати компьютерлашган услубда ишлаб турибди. Асфальт учун лозим ашё бир маромда қорилтирилиб, сифатли асфальт тайёрланмоқда.

Асфальтнинг узок мuddат чидашида яна бир омил бор: у 160 даража иссиқда пишиб этилади. Яъни ётқизилаётган пайтда ҳарорат 110 даражадан пасаймаслиғи керак. Маҳсулотни совутмай, мўлжалланган жойга етказиш учун сиз қудратли техникалар лозим. Шу боис, яқинда яна учта янги «КамАЗ» сотиб олинди. Лизинг асосида эса 38-40

роб аҳолида эди, — дейди Чилонзор туманидаги «Кичик хирмонтепа» маҳалласи раиси Адаш Йўлдошев. — «Дом»ларимиз олди йўлаклариде асфальтдан асар ҳам қолмагани бир пайтлар. Қишда лойдан, ёзда чангдан безор эдик. Энди-чи? Ҳаммаёқ текис, равон. Саришта, чаргон... Ҳўкуматимиз томонидан шунча гамҳўрлик кўрсатилган экан, демак, биз ҳам энди шунга муносиб бўлишимиз лозим. Каттами-кичикми, ҳар ким ўз уйи, ўз маҳаллагузари обод бўлмоғи учун қай-гуриши керак...

Йўллар... Йиллар... Бир-бирига эгизак бўлиши бў сўзлар замирида ота-боболаримизнинг орзу-армонлари ётибди. Зеро, 16 йилки, Буюк ипак йўли устиде жойлашган қўхна Шош —Ташкент азим — муавазз пойтхатимизнинг ҳар бурчида бунёдкорлик, яратувчанлик, катта тарихий ўзгаришлар давом этаётди. Зеро, улар мушаккиллашган ўтган тарихий 16 йиллик тараққиётимиз меваларидир.

Қурбон ЭШМАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ

Жиззах вилоятида иқтисодий ночор, зарар қўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш дастурига 34 корхона киритилган.

Дастурда белгиланган тадбирлар мувофиқ улардан бири — Дўстлик туманидаги ўсимлик ёғи ишлаб чиқариладиган «Эл-Эрк-Нур» хусусий корхонасига 208,4 миллион сўмлик янги ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натияжада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва ҳажми сезиларли даражада ошди. Қишда мuddатда 170 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Маҳсулотимизга талаб тобора ортмоқда, — дейди хусусий корхона раҳбари Суннат Эргашев. — Энди маҳсулот турини кўпайтириш чораларини кўряймиз. Айни пайтда замонавий технология асосида макорон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

Газетада босилмади, аммо...

Маъмурий иш қўзғатилди

Тахририятимизга Самарқанд вилояти Пайарик туманида яшовчи Х.Султонов «Чолак деҳқон бозори» МЧЖ мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят хати йўллаганди. Ушбу хат текшириб, чора кўриш учун Самарқанд вилояти прокуратурасига юборилган эди. Яқинда шу мақтуб юзасидан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Х.ҚУРБОНОВ имзоси билан расмий жавоб олдич.

Унда айтилишича, Чолак деҳқон бозори» МЧЖ раиси вазифасини бажарувчи М.Ваҳобов хизмат вазифасини лозим даражада бажармасдан, тўлов интизомини муштақамлашга қаратилган қонунлар ва ҳўкумат қарорлари ижросини таъминлашмасдан, касса операцияларини юритиш тартибини бу-

зиб, 2007 йил 6 ноябр кўни ўтказилган текширишда 95 минг сўм нақд пуллари назорат касса машинаси орқали ўтказмасдан, банк ҳазинасига кирим қилган.

Ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси М.Ваҳобовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатган.

Жамият паттачаси Ж.Қубаев бозорда савдо қилувчи фуқаро А.Дониёровдан патта пули сифатида 200 сўм олиб, сотувчига белгиланган тартибда патта чиптасини бермаган. Бундан ташқари, унинг жавобгарлигида бўлган патта чипталари билан нақд пуллар солиштириб қўрилганда сотувчиларга 2.900 сўм учун патта тарқатмаганлиги аниқланиб, Ж.Қубаев интизомий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, паттачи И.Юнусов жавобгарлигида бўлган патта чипталари билан нақд пуллар солиштирилганда сотувчилардан патта йиғимига олинган пуллар учун патта тарқатма-

ганлиги аниқланиб, унга нисбатан ҳам интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди, қонун бўлиши ҳолатларини бартараф этиш борасида вилоят бозорлар уюшмасига тақдимнома киритилган.

Аризада кўрсатилган талон-торожилик ва суниестемолчиликлар тўғрисидаги важлар бевоқиф жамиятнинг молиявий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқлиғи сабабли вилоят ҳудудий комиссияси томонидан... назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашига текширишларни мувофиқлаштириш юзасидан мувожадат қилинган.

Темирйўл: профилактика ишлари

давлат назоратчилари эътиборида

Мамлакатимиз раҳбарининг бозор иш-хотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони йил сайин аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур Фармон «Ўздавтемирйўл назорат» давлат инспекцияси Қашқадарё филиали жамоасининг ҳам фаолият дастури бўлиб, асосий эътибор — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналарида йўл қўйилаётган баъзи камчиликлардан огоҳлантириш бўйича профи-

лактика ишлари савияси ва юқлар таъшиш хавфсизлигининг олдини олиш тадбирлари ижросини кучайтиришга қаратилмоқда.

Инспекциянинг навбатдаги кенгашида айни шу масала ҳақида сўз бориб, унда инспекция бошлигининг матбуот котиби Г.Комилов поездлар ҳаракати хавфсизлиги, таъшилаётган хўжалик юқлари сақланиши ва жойларда тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш каби жараёнлар билан боғлиқ масалаларда ҳар бир ходимнинг шахсий ибрати ва масъулияти тўғрисида тўхталиб ўтди.

Кенгашда сўзга чиққанлар юқ таъшиш хавфсизлигини таъминлаш, илгор корхоналар тажрибаларидан фойдаланиш, ҳужжатлар

ҳамда баённомаларни расмийлаштириш борасида жойларда олиб борилаётган ва ҳали олиб борилиши лозим бўлган профилактика ишлари ҳақида гапириб ўтдилар. Кенгаш иштирокчиларига ишонч телефонлари ташкил этиш ва ходимларга услубий йўл-йўриқлар бериш тўғрисидаги тақлифларни маълум қилди, шунингдек, ўрнатилган қўлғазмаларни қўлланмаларни кўринарли жойларга жойлаштиришда кўмаклашиш каби амалий ишлар ижросини таъминлаш тавсия этилди.

Нуриддин БҲРИЕВ,
«Ўздавтемирйўл назорат» давлат инспекциясининг Қашқадарё филиали инспектори

Bank va mijoz

Барчага кўмакдош ва мададкор бўлмоқ

АТ «Пахта банк» Фаргона вилояти бошқармаси ходимларининг шioriдир

Умуман олганда АТ «Пахта банк» вилоят бошқармаси ҳозирги кунда барча хўжалик субъектларига намунали хизмат кўрсатаётди. Шу йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, 22638 кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилмоқда.

2007 йил тўхтинч ойи давомида кичик бизнес субъектларига барча манбалар ҳисобидан 3 млрд. 389,6 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу давридагидан 1 млрд. 356,9 млн. сўмга кўп демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли «Тижорат банкларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил қилинган кичик бизнес субъектларига «Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси» ҳисобидан 2007 йил 9 ой давомида 110 та кичик бизнес субъектларига 450 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, улар асосан қўлаймоқда. Банк билан ҳамкорлик натижасида миқозларнинг молиявий аҳоли яхшилангани бормоқда.

Масалан, Ҳосиятхон Хожимат қизи хусусий ишлаб чиқариш корхонасини олайлик. Бу корхона 2002 йилда АТ «Пахта банк» Олтиариқ бўлимидан ажратилган 3 миллион сўмлик кредит ҳисобидан тикув машиналари ва материаллар сотиб олди, 4 та янги иш ўрни яратди. Бир йилдан сўнг олинган ушбу кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтарди. 2006 йилда банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кре-

дит олиб, яна қўшимча 8 та ишчи ўрни яратилди. Ҳозирги кунда ушбу корхонада 12 нафар ишчи меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда.

Корхона ойнага 2 млн. 800 минг сўмлик маҳсулот, 500 тадан ортиқ болалар юмшоқ инвентарлари, яъни ётоқ комплекслари, матрас, тўшақлар ишлаб чиқармоқда. Хусусий корхона тумандаги болалар боғчалари, туман шифонахона, дам олиш сўхатгоҳларига юмшоқ инвентарлар етказиб бормоқда. Нақд пулсиз хизмат кўрсатмоқда. 2007 йил 9 ойидаги жами 18 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 2 млн. сўм соф фойдага эга бўлди. Ҳозирги кунда ушбу ишлаб чиқариш корхонаси кредит фоизаларини вақтида тўлаб келмоқда. Корхона раҳбари Р.Умурзоқов яқин келгусида фаолиятини янада кенгайтириб, ишчи ўринлари сонини 20 нафарга етказиб, оила маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақини 3-4 млн. сўмликка етказишни режалаштирган.

АТ «Пахта банк» вилоят бошқармаси томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ҳам кўпроқ эътибор қаратилаётди.

Масалан, бошқарма томонидан «Маргилон текстил» масъулияти чекланган жамияти билан Туркиянинг «MARS TEKSTIL ITH. SAN.Vc.TIC.LTD.STL» компанияси ўртасида калава ип ишлаб чиқарувчи йигирув цехи дастохлари сотиб олиш бўйича тузилган кредит шартномасига кўра, 6 йил муддатга, йиллик 7,5 фоиз устам ҳақ тўлаш шarti билан ўзига тегишли бўлган мол-мулкни гаровга қўйган қолда Осие Тараққий банк кредит линиялари ҳисобидан 2 млн. 500 минг АҚШ доллари миқдорига кредит берилди. Ушбу кредит ҳисобига сотиб олинган калава ип ишлаб чиқарувчи дастох монтаж қилиниб, ишга туширилгач, 170 та янги ишчи ўрни яратилди.

Бундан ташқари, «Кува тўқимачилик» очик акциядорлик жамияти билан Хитой Республикасининг «Шиндонг Машинери Импорт-Экспорт Групп Корпорейшн» фирмаси ўртасида ту-

зилган шартномага асосан, калава ип ишлаб чиқарувчи йигирув цехи дастохларини сотиб олиш бўйича 2006 йил 30 июндаги кредит шартномасига кўра, 10 йил муддатга, йиллик 8 фоиз устам ҳақ тўлаш шarti билан ўзига тегишли бўлган мол-мулкни гаровга қўйган қолда Осие Тараққий банк кредит линиялари ҳисобидан 1 млн. 505 минг 234 АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилган эди. Ушбу дастохлар бугунги кунда тўлиқ ишга туширилиб, жамиятда 250 та қўшимча янги ишчи ўрни яратилди.

2007 йилнинг 9 ойи давомида 1003 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, 585 тонна тайёр маҳсулот, яъни калава ип чет мамлакатларга экспорт қилинди.

АТ «Пахта банк» томонидан молиялаштириш ҳисобига фермер хўжалиқларига банк хизмати турларини кўлайитириб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришда ишлатилган, техникага бўлган талабларини қондириш мақсадига 26 дона «ТТЗ-8011» трактор, 18 дона тирмака, 18 дона культиватор ҳамда 18 дона ОВХ жами 610 млн. 560 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техника воситалари молиявий лизинг хизмати кўрсатиш орқали етказиб берилди.

Бундан ташқари вилоятда галлакорларга кўмак бериш мақсадига 2005 йилда ҳар бири 100 млн. 069 минг сўмдан бўлган 2 дона «Енисей 954» русумли дон ўриш комбайнлари 5 йил муддатга ҳамда жорий йилда 7 дона Германияда ишлаб чиқарилган «Dominator-130» русумли дон ўриш комбайнлари миқозлар томонидан 20 фоиз ўз улушлари билан қатнашган ҳолда 3 йил муддатга йиллик 20 фоиз устам тўлаш шarti билан молиявий лизинг асосида ажратилди.

2007 йил давомида вилоятда галла ўриши масъулияти лизинг асосида ажратилган «Dominator-130» дон ўриш комбайнларининг ҳар бири 340-350 гектардан бугдой ўриб, катта хирмонга баракали улуш қўшиди.

«Пахта банк»нинг Фаргона ви-

лоят бошқармаси туман, шаҳар филиаллари томонидан ташкил этилган 102 та минибанк 9002 та миқозларга кўрсатаяпти, шундан 7500 дан зиёдини фермер хўжалиқлари ташкил этади.

Жорий йил давомида «Пахта банк» филиаллари томонидан аҳоли бўш пул маблағларининг омонатларда сақланишидан уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадига қатор янги омонат турлари ҳам тақдим этилди. Натيجада «Сармоя» жамғарилувчи омонат аҳолининг 1 млрд. 721,4 млн. сўм, «Ҳосил-2007» омонат турига эса 1 млрд. 704 млн. сўм бўш пул маблағлари қабул қилинди.

Аҳоли ўртасида пластик картончаларнинг қўлайлиги тўғрисида амалга оширилган тушунириш ишлари натижасида уларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Ҳозирда 67741 киши замонавий ва қўлай «Пахта банк» картончаларига эга бўлди. Пластик картончаларни аҳоли ўртасида тарқатиш билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали тўловларни қабул қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилаётган. Жумладан, 2007 йил 1 октябр ҳолатига кўра, ўрнатилган терминаллар сони 245 тани ташкил этди. Ўрнатилган терминалларда 2007 йил 9 ойи мобайнида 4 млрд. 603,6 млн. сўмлик савдо амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

«Ижтимоий ҳимоя йиллини муваффақиятли янқулашга интилаётган мазкур бошқарма ходимларининг шiori битта: яъни барча миқозларга, қолаверса, ўзларнинг доимий ҳамкорлари бўлиш пахтакор галлакорларга ҳам, тадбиркор фермерларга ҳам беминнат хизмат кўрсатмоқ.

Шоҳайдар МИРҲАБИЕВ,
Мирбахтиёр МИРҲАБИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари



Армия билан хайрлашди

Покистон президенти Парвез Мушарраф армия бош қўмондонини вазифасини топширишдан бир кун аввал ҳарбийлар билан хайрлашув маросимини ўтказди. Тадбирда куруқликдаги, ҳарбий ҳаво ва денгиз флотининг кучларидан таркиб топган фахрий қоровул саф тортди.



Бугундан эътиборан П.Мушарраф фуқаровий президент, дея эълон қилинади, дейилади «Associated Press» АА хабариди.

Маълумки, 24 ноябрь куни Покистон сайлов комиссияси Олий суд қарорига кўра, Парвез Мушаррафни 6 октябрда бўлиб ўтган президентлик сайловининг ғолиби деб эълон қилинган. Шу куни республика бош прокурори Малик Қайюм 3 ноябрда мамлакат бўйлаб жорий этилган факультетда ҳолат 2008 йил 8 январга белгиланган парламент сайловлари олдиндан бекор қилиниши мумкинлиги ҳақида баёнот берган. Аммо унинг аниқ санасини президентнинг ўзи белгилайди.

Яна бир маълумот. 23 ноябрь куни Миллатлар ҳамдўстлиги ташкилати Покистонда факультетда ҳолат амал қилаётгани муносабати билан унинг ушбу ташкилотга аъзолигини тўхтатди. 53 та давлатни ўзига бирлаштирган ушбу ташкилот П.Мушаррафга 22 ноябргача факультетда ҳолатни бекор қилиш ва армия бош қўмондонини вазифасидан воз кечиш шартини қўйган эди. Мамлакатдаги муҳолифатнинг ҳам талаби айнан шундай эди.

Қарз учун болалар ўғирланди

Қўшни Афғонистондан Тожикистонга ноқонуний суқилиб қирган қуролланган ғуруҳ чегара ҳудудидagi Порвот посёлкасидан икки нафар мактаб ўқувчисини ўғирлаб кетди.

«REGNUM» АА хабарига кўра, ўғирлик бир неча кун аввал содир этилган, бироқ ундан кўни кеча хабар топилган.

Ушбу воқеани ҳақида тўлиқ маълумот тарқатилмаяпти. Ўғирланган ўқувчилар Афғонистондан қайтарилганини ёки йўқлиги, бу ҳақда ҳам ҳозирча хабар берилмапти.

Тожикистоннинг чегара ҳудудларида ўғирлик содир этиш биринчи бор юз бераётгани йўқ. Бундай жиноятлар асосан тибханд моддалар савдоси билан шуғулланувчи афғонлар томонидан амалга оширилмоқда. Яъни улар тибханд моддага тўланмаган қарз учун болаларни ўғирлашмоқда.

Ўнг қўлни кесиб, чап қўлни ўрнатди

Испаниялик шифокор Педро Кавадас ғайриодатий жарроҳлик операциясини амалга оширди — беморнинг ўнг қўлини кесиб олиб, чап қўлининг ўрнига ўрнатди. Беморнинг чап қўли қирқ йил аввал кесилган экан.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бемор эркак бундан уч йил аввал исулът хасталигига чалинган бемор танасининг ўнг қисми фалаж бўлиб қолган. Шу сабабли у жонсиз ўнг қўлини чап қўлига «ўтказишга» аҳд қилган.

1 январдан еврога ўтади

Европа Иттифоқининг иқтисодиёт ва пул сибсати масалаларга буйича комиссари Хоакин Альмунианинг айтишича, 2004 йили Европа Иттифоқига аъзо бўлиб қирган Кипр ва Мальта 2008 йил 1 январдан ушбу ташкилотнинг аъзо пул бирлиги — евро муомаласига ўтишга тайёр.



Маълумки, ташкилот талабларига кўра, евро пул бирлигига ўтишни истовчи мамлакатларда пулнинг қадрсизлиши даражаси 2,4 фоиздан ошмаслиги лозим, Европа Иттифоқининг ривожланиш ва барқарорлик тўғрисидаги пакет шартларига кўра эса мамлакат бюджетидagi дефицит 3 фоиздан ортиб кетмаслиги шарт.

Келгуси йилнинг 1 январидан Эстония ҳам евро муомаласига ўтмоқчи. 2009 йилдан эса Словения ўтади.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқининг аъзо валютаси — евро Австрия, Бельгия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Нидерландия, Люксембург, Германия, Португалия, Финляндия, Франция ва Словения мамлакатларида амалда қўлланмоқда. Яъни, ЕИга аъзо 27 та давлатдан 13 тасининг 318 миллион кишилик аҳолиси евро билан муомала қилмоқда. Эндликда Кипр билан Мальта қўшилса, бу рақам яна 1,2 миллион кишига кўпаяди.

Пулемётни тақиқлашга чақирди

Ливия етакчиси Муаммар Каддафи дунё аҳлини жанговар ҳаракатлар пайтида пулемётлардан фойдаланишни тақиқлашга чақирди. Унинг айтишича, пулемёт бошқа қурол турларига, аниқроғи, ракета ва артиллерияга қараганда инсон ҳаёти учун кўпроқ хавф тугдираркан, яъни кўп одамга жисмоний-руҳий салбий таъсир кўрсатар экан.

Шуни эслатиш лозимки, Ливия раҳбарияти 2003 йили оммавий қиргин қуролларидан расмий воз кечди. Ундан аввалроқ, пиёдаларга қарши қўлланувчи миналардан фойдаланишни тақиқловчи Халқаро конвенцияга қўшилган, дея хабарини яқунлайди ИТАР-ТАСС.

82 полициячи жароҳат олди

Парижнинг шимолий ҳудудларида — Вилье-ле-Бел, Сержа, Гусенвиль, Сарсел, Гарж-ле-Гонесс ва Эрмон манзилларида авж олган, яъни ёшлар томонидан амалга оширилган тартибсизликлар оқибатида 82 нафар полициячи жароҳат олди. Улар асосан ёшлар томонидан ов милтиғида отилган сочма ўқдан, ёнғувчи аралашмали ишшлар портлашидан жароҳатланди. Полиция эса уларни тарқатиш учун қўздан ёш оқизувчи газ ва шовқинчи граната қўллади, дея хабар беради «RTL» радиостанцияси.



Тартибсизликлар бошланишига икки нафар ёш йигит томонидан ўғирлаб қочилган мотоцикл билан полиция автомобили тўқнашуви

сабаб бўлган. Йигитларнинг қариндошлари айтишиларча, тўқнашувдан сўнг полиция йигитларга ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб қолган. Бу эса жамоатчиликка акс таъсир этган ва тартибсизликларни келтириб чиқарган.

Журналистлар норозилиги

Грецияда журналистлар ҳуқуқатнинг пенсия ислоҳотига қарши норозилик сифатида 24 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар.

Ҳуқуқат ислоҳотида пенсия жамғармаларининг суғурта миқдорини ошириш, айрим имтиёزلарни бекор қилиш назарда тутилган, дейилади «Новости» АА хабариди.

Иш ташлашни мувофиқлаштирувчи кенгаш вакилининг айтишича, хусусий ва давлат телеканаллари, ахборот агентликлари, радиостанциялар ва бошқа оммавий ахборот воситалари 24 соат давомида ҳеч қандай ахборот тарқатмайдилар, газеталар эса чоп этилмайди.

Журналистларнинг ушбу норозилик акциясига мактаб ва университетлар ўқитувчилари ва талабалари ҳам қўшилишди.



Кўзиқорин кимошди савдосига қўйилади

Италиянинг Палайя ўрмонида бир ярим килограмми оқ кўзиқорин топилди. Маълумотларга қараганда, Лучано Савини исмли шахс томонидан аниқланган мазкур ўсимлик шу пайтгача топилган кўзиқоринлар ичида энг оғирдир.

Хабарларга қараганда, оқ кўзиқориннинг Флоренция шаҳрида биринчи декабрда бўлиб ўтадиган кимошди савдосида сотуга қўйилиши режалаштирилган.

Қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда

Филиппинда содир бўлган «Митаг» бўрони оқибатида олти киши ҳаётдан қўз юмди, юзлаб одамлар бошпанасиз қолди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, табиий офат оқибатида қўлаб йўللари сув босган, минг гектардан зиёд экин майдонига зарар етган. Айни вақтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётган.

Республика Акциядорлик тижорат банки «ҒАЛЛАБАНК»

хамюртларимизга қуйидаги юқори фоизли янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

- «Hamkor» — 1 ой
- «Qadriyat» — 3 ой
- «Yosh oila» — 6 ой

Шунингдек, «Ғаллабанк» барча турдаги хўжалик субъектлари раҳбарларига: ходимларга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш; тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида банкнинг пластик картончалар орқали «иш ҳақи» лойиҳасидан фойдаланишни тақлиф қилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 136-71-72, 136-74-30; 133-98-80.

«Ғаллабанк» хонадонинизга барака келтирсин!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси

2007 йил 1 декабрдан 2008 йил 31 мартгача кунидagi йўналишда Белуп бағаж олиб кетиш меъёрини ошириш бўйича акция ўтказилади:

ТОШКЕНТ - СЕУЛ

Тошкентдан Сеулга учадиган йўловчилар хизмат кўрсатиш классига қараб: биринчи класс - 60 кг, бизнес класс - 45 кг, иқтисодий класс - 35 кг. Белуп бағаж олиб кетишлари мумкин.

Қатновлар жадвали, жойларнинг мажмуудлиги, авиачипталар ва таъшилар тўғрисидаги барча маълумотлар учун телефон (ҳар кун 8-00 дан 19-00 гача): (998 71) 140-02-00

www.uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қўлайлик!

«Устандарт» агентлиги жамоаси агентлик бошқарма бошлиғи Азиз Юлдашевга падари бузруквори

ҲАБИБУЛЛО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Спорт

Кучлилар Осиё чемпионатига боради

Пойтахтимиздаги «Килич-озлик» спорт саройида тазковондо (ITF) бўйича «күзгил ва қора белбоғ» соҳиблари ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

— Жорий йил мамлакатимиз тазковондо усталари ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси

бош мураббийи Фахриддин Умаров. — Жумладан, Қозоғистонда май ойида ўтган «Тараз кубоги» халқаро турнири, июнда Италиянинг Кальяри шаҳрида ўтказилган Шарқ яққаурашлари I Очқ яхон чемпионатларида спортчиларимиз муносиб натижаларни қайд этишди.

— Бу гагги мамлакат биринчилигининг терма жамоага янги

номзодларни саралаганлигини ҳисобга олсак, баҳслар нечоғли кескин ва мурасасиз кечганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мусобақа якунида Нарғиза Бекназарова, Зилола Абдуллаева, Инна Квон, Динмуҳамбет Кенгесов, Бобур Ғуломов сингари ёш тазковондочилар кучлилар қаторидан жой олишди.

— Кун кеча Тошкент Фото уйда кўриктанловнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича республика босқинчи қадам 103 нафар катнашчининг асарларидан иборат кўргазма очилди. Унда юртимиз ёш

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тазкидлаш жоизки, ўзининг қамрови билан бугунги кунда миллий лойиха мақомига олган ушбу танловда дастлаб 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, жорий йилда 32 мингдан зиёд истеъдодли ўғил-қиз унда қатнашишга муваффақ бўлди. Уларнинг 547 нафари эса миллий танловнинг якуний — республика босқинчида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

Кун кеча Тошкент Фото уйда кўриктанловнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича республика босқинчи қадам 103 нафар катнашчининг асарларидан иборат кўргазма очилди. Унда юртимиз ёш

Ташаббускор ёшларга қанот

ижодкорларининг мингга яқин ижодий иши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланмоқда.

Феруз Аҳмедов — улардан бири. У 18 ёшда, Навоий шаҳридаги санъат ва маданият коллежининг 2-курс талабаси. Феруз биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай тиши билан расм чизади.


— Мен танловда ўзим ясаган най, соз, тор, ғижжак, дутор, сато, танбур, қашқар рубоби каби йигирмадан ортик миллий чолу асбобларимиз билан иштирок этаяман, — дейди Фаргона вилояти Қирғули электротехника кол-

лежи талабаси Муроджон Арслонов. — Хунармандчилик менга ота касб. Болалигимдан бунга меҳр қўйганман. Менинг келажагдаги энг катта оرزум — бугун йўқлиб бораётган миллий чолу асбобларимизни асраб қолиш, уни такомиллаштириб дунёга олиб чиқишдир.

Истеъдодли, интилувчан ва ташаббускор ёшларга чинакам қанот бағишлаётган «Келажақ овози» республика кўрик-танловининг бу йилги 120 нафар ғолиби номи 1 декабрь кунини Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтаётган тантанали тақдирлаш маросими ва гала-концерт чоғида эълон қилинади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар

«Сув парилари» яна Тошкентда



бошланган «Сув парилари» аънавий халқаро турнирида ҳам энг иқтидорли ва умидли қизларимиз иштирок этишмоқда. Унда Россия, Қозоғистон спортчиларидан ташқари, мамлакатимиз синхрон сузиш усталари бир неча жамоа бўлиб қатнашаётганлиги қизларимизнинг ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилиши шубҳасиз.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Сув парилари» VIII халқаро турнири доирасида гимнастрада бўйича фестивал ташкил этилиши кўзда тутилган. Единогўша бўлса, шу йилнинг июль ойида Доранброн (Австралия) шаҳрида ўтган жаҳон фестивалида Ўзбекистон гимнастрадачилари «Миллий жамоа» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилганди.

Мусобақалар ғолиб ва совриндорлари 2 декабрь кунини аниқланади.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тақдимот

Адиб замондошлари хотирасида

Адабиёт, сўз илми шу қадар терең уммонки, унга етишиш машаққати, ундан баҳра олиш саодати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон Қаҳрамони, Давлат муқофоти соҳиби, маъруҳ адабиётшунос Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётининг ана шундай ҳассос тадқиқотчиси, унинг сеҳрини англаган, бу захматли йўлда ўйлаб, юзлаб ёшларни ўз ортидан эргаштира олган сиймо эди.

Яқинда Республика болалар кутубхонасида «Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида» китобининг тақдимотига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам шу ҳусусда сўз борди. Унда катнашганлар атоқли адабиётшуноснинг инсоний фазилатлари ва жасоратини таниқли адиб ва шoirлар, адабиётшунос олимлар, талабалар ҳамда олимнинг оила аъзолари иштирок этишди.

Жасур ХУСАНОВ

Мақтабга компьютер тўплами

Давлатбод даҳасидаги 48-умумтаълим мактаби Наманган шаҳридаги намунали билим ўқоқларидан ҳисобланади. Яқинда мактаб жамоаси таълим жараёни учун муҳим ўқув воситасига эга бўлди.

Шу муносабат билан ўтказилган тақдимот маросимида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва «Билайн» ОАЖ вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистон раҳбарияти таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани натижасида ўтган қисқа вақт ичида бекўёс ишлар амалга оширилганини таъкидлашди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

Офатнинг олдини олган маъқул

Маълумки, ҳар йили кўзнинг охири ва қиш фасли бошларида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш аъвонага айланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу даврга келиб ҳарорат пасаёди. Совуқ кунларнинг бошланиши иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни бирмунча оширади.

Агар йил давомида содир бўлган ёнғинлар таҳлилига қарасак, шу нарсага амин бўламизки, уларнинг 77 фоиздан кўпроғи фуқаролар турар жойларида, қарийб 40-50 фоизи иситиш печлари тўғрисида юзага келган. Бундай кўнгилсизликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрдаги 543-сонли фармойишига асосан 15 ноябрдан «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» бошлаб юборилди.



Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратларда: семинар ишидан лавҳалар. Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар



Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратларда: семинар ишидан лавҳалар. Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

омилларни бартараф этиш чоралари бўйича ўқув-синов машғулотлари ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ва самарали ишлар амалга оширилди. Натижада сўнгги беш йил давомида ёнғинлар сони озайди. Фуқароларни ёнғин чоғида тан жараҳати олиш ҳолларини бахтсизликларнинг сони камайиб бормоқда.

Кўнгилсизликларнинг олдини олишда авваламбор профилактик ва тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш, ўзини ўзи бошқариш органлари, газ ва электр идоралари, бошқа дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Лекин шунга қарамастан айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги оқибатида кўнгилсизликлар учраётгани афсусланарлиқдир.

мурий биноларда 174 тани, ишлаб чиқариш корхоналарида 243 та ёнғин содир бўлган. Фуқароларни оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизликларидан 4822 та, меъёр талабларига жавоб бермайдиган электр ускуналари ёки улардан нотўғри фойдаланиш сабабидан 2763 та, болаларнинг шўхлигидан 1589 та, носоз ва қўлбола ясалган иситиш печларидан фойдаланишлар оқибатида 1673 та ёнғин бўлгани ачинарлиқдир.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳодимларимиз олдида турган бир муаммога ҳам тўхталмоқчиман. Мустақиллик йилларида ёнғин хавфсизлиги хизматида ҳам бир қанча ўзгаришлар юз берди. Янгидан-янгидан, замонавий, ҳар қандай шaroитда ҳаракат қила оладиган турли хил махсус ёнғин ўчириш техникалари хариб қилинди. Афсуски, ушбу махсус автоматшаналар офат содир бўлган манзилларга қисқа вақт ичи-

ро узвий алоқалар юқори натижа берганлигини кўрсатади. Биргина 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида ногиронларни тўлиқ реабилитация қилиш 19,4 фоизга ошган.

Вилоят тиббий меҳнат экспертизаси ходимлари жойлардаги даволаш-профилактика муассасалари ходимлари ҳамда ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий соғломлаштириш маркази билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришмоқда, — дейди анжуман иштирокчиси, вилоят ТМЭ хизмати таркибидан ўсубчи Тўлқин Ҳасанов. — 2007 йилнинг 9 ойи давомида 82 нафар турли даражадаги ногиронлар республика Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига юборилиб, уларнинг 57 нафари даволанди, 19 нафари эса реабилитация қилинди.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратларда: семинар ишидан лавҳалар. Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Ногиронлар муҳофазаси

доимий эътиборда

Яқинда Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарь ва Навоий вилоятлари тиббий меҳнат экспертизаси ва реабилитация хизмати ходимлари иштирокида «Ногиронларни тиббий меҳнат экспертизаси ва тиббий-ижтимоий, касбий реабилитациясининг долзарб масалалари ва унда замонавий технологияларнинг роли» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар ишида мамлакатимизда ногиронликнинг олдини олиш, тиббий меҳнат экспертизаси ва реабилитация хизматини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш, белгилаётган ногиронлик сабабларининг асосли эканлигини таъминлаш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, кейинги йилларда

ногиронларни тиббий-ижтимоий муҳофиза қилиш, уларни реабилитация қилиш борасида Самарқанд вилоятида олиб борилаётган ишларга эътибор қаратилди. Вилоят тиббий меҳнат экспертизаси ходимлари олинган маълумотларга кўра, бирламчи ногиронликни белгилаш 1998 йилда 8420 нафар бўлган бўлса, 2006 йилга келиб 4651 нафарга қисқарган, ТМЭ хизматларига асосан йўлалар 52 фоизга камайган. Бу ногиронларни реабилитация қилиш вилоят маркази, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ўза-

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Turbojon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL, (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afur HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihdin MUHIDDINOV, Nomez SA'DU'LAYEV, Svetlana GERA'SIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Partiya hay'ati 133-10-13, Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks), Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56, Kotibiyot 133-72-83, 136-55-17, Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80. VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda 25-32-70, Buxoroda 222-10-92, Gulistonda 25-22-32, Jizzaxda 5-49-85, Navoiyda 223-83-73, Namangonda 6-43-43, Nukusda 222-70-15, Samarqandda 35-20-54, Urganchda 226-51-35, Farg'onada 26-43-62, Denovda 8-376-11-23-780. MANZILIMIZ: 100000, TO'SHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. Navbatchi: Mirbaxtiyor M.RIFAYIZIYEV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonalar: Buyuk Turok ko'chasini, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehshaba, pashshaba va shabsha kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 7824 nusxada bosildi. 1 — Tjorat materiallari. O'za yakuni — 23.35. Topshirilgan vaqti — 00.45. 1 2 3 4 5 6 8. Sotuvda erkin narxda.